



2-беп

3-беп



4-5 беп

8-беп



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 203 (10.006)

2003 ЙИЛ 20 ОКТЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ  
Дир Кўни**  
Ингиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА  
Сўзлар**

● **ТЕМУРИЙЛАР** тарихи Давлат музейида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари иштирокида ташкил этилган тадбир «Тарихимиз дурдонаси» деб номланди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида тилшунос олимлар ҳамда талабалар иштирокида ўзбек тилининг жамият тараққиётида тугган ўрни мавзуга бағишлаб анжуман уюштирилди.

● **ЮНСОБОД** туманида «Оилам соғ бўлса — маҳаллам обод» мавзусида 23 октябрда ўтказилган кўрик-танлов Юнсобоод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси ва туман ҳудудий табиёт бирлашмаси ҳамкорликларида ташкил этилмоқда.

● **ҲАМЗА** туманида joyлашган 10-музыка мактабида 23 октябрь кuni «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман бўйича саралаш босқичи бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕК** миллий академик драма театрида ташкиллаштирилган «Талабалikka бағишлов» тадбирида 1-Тошкент Давлат табиёт институтининг 1-курс талабалари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

## ТАДБИРЛАР

### ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Бугун Акмал Икромов туманидаги 123-мактабда 4 ва 5-синф ўқувчилари мураббийлар ёрдамида тайёрланган «Она тилим — жону дилим» мавзусидаги Давлат тили тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кунга бағишланган байрам кечасини ўтказдилар.

Ўқувчилар ўзлари ёдлаган тил, Ватан ҳақидаги шеърлар, дилрабо куй ва кўшиқларни ижро этиб барчани ҳушнуд этдилар. Шунингдек, «Тил— бу дил кўзгуси», «Она тилимиз муккамаллиги», «Тилга эътибор, элга эътибор» мавзуларида сўзга чиқдилар.

Юқори синф ўқувчилари эса, чиройли сахна кўринишлари билан байрам қатнашчиларига хуш кайфият улашдилар.

Жажжи болажонлар устозлари-га ранг-баранг гуллар улашдилар.  
Гулчехра ДУРДИЕВА

17 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, кўмита, компания, корпорация, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди. Мажлисда Президент Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 февраль ва 18 июлдаги мажлисларидаги маърузаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққизи ойлик яқунлигига оид масалалар кўриб чиқилди.

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бошқарди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда ислохотларни изчил амалга ошириш натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатимиз иқтисодийнинг молия ва реал секторларида макроиқтисодий барқарорлик таъминланди. Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштиришга, аграр секторда бозор муносабатлари ва инфратузилмани кенгайтиришга, капитал қурилиш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштиришга эришилди. Бу даврда жорий операциялар бўйича конвертацияга ва Ўзбекистон Республикаси томонидан Халқаро валюта фонди Битим Моддаларининг VIII моддаси юзасидан шу йилнинг 15 октябрдан бошлаб мажбуриятлар қабул қилинишига эришилди.

Инфляция даражаси ўтган йилнинг шу давридаги 17,4 фоиздан - 0,3 фоизгача пасайтирилди. Бюджет дефицити ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси 515 миллион АҚШ долларидан ошди. Бу эса мамлакатимиз олтин-валюта захирасини янада кўпайтирди. Саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо товар айланмаси, пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши ҳисобига ялли ички маҳсулот (ҲИМ) 104 фоизга ўсди.

Бу даврда хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва корпоратив бошқарув услубини жорий қилиш давом эттирилди. 1 минг 29 корхона хусусийлаштирилди, 496 корхонанинг акциялар пакетлари, давлатга қарашли қарийб олти ярим минг объект сотилди. Паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналарни таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш давом эттирилди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самараси ўлароқ дон этиштириш ва ҳосиядорлик анча ошди. Капитал қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар муайян самара бермоқда. Институционал қайта ўзгартиришлар натижасида «Ўзбалик» компанияси, «Ўзпарнадасаноат» уюшмаси, «Ўзнефтмаҳсулот» компаниясининг минтақавий бошқармалари, «Бошқоммунгаз» корхонаси ва унинг «Ўзтехгаз» шўъба корхонаси тугатилди.

Қабул қилинган ижтимоий дастурлар, жумладан, «Обод маҳалла йили» дастури изчил амалга оширилмоқда. Иш ҳақи, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорининг оширилиши аҳоли пул даромадининг ўсиши, турмуш даражасининг янада яхшилланишига асос бўлди.

Афсуски, эришилган ютуқларга баъзи камчиликлар ҳамон соя солиб турибди. Иқтисодий ислохотларнинг айрим устувор йўналишлари ҳамда уларни чуқурлаштириш вазифалари етарли даражада бажарилмади. Давлатга қарашли паст рентабел-

ли, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни хусусийлаштириш ва сотишнинг ўзгарувчан тизими суст жорий этилди. Қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатлар тизимини ислоҳ қилиш, фермер хўжалиқларини ривожлантириш учун қулай шартловларни яратиш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар тўла таъминланмади. Капитал қурилиш соҳасида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш чора-тадбирларини ҳам талаб даражасида, деб бўлмади.

Мажлисда иқтисодий тармоқлари ва республика ҳудудларини 2003-2004 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Айрим тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари томонидан аҳоли яшаш пунктларини, уй-жой фондини, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарини ва ижтимоий соҳа муассасаларини 2003-2004 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш тадбирлари ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмагани қайд этилди. «Кўмир» акциядорлик бирлашмаси томонидан кўмир қазиб олишнинг белгиланган ҳажмлари уудаланмади. Оқибатда истеъмолчиларга кўмир етказиб бериш бюджет соҳасида 62 фоизни, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бўйича 70 фоизни ташкил этди. Газ қувурларини мукамал таъмирлаш ишлари топшириққа нисбатан 8,5 фоиз бажарилган. Сирдарё, Жиззах, Бухоро ва Тошкент вилоятларида иссиқлик тармоқларини ва қозонхоналарни таъмирлаш тугалланмаган.

Тегишли вазирлик, компания, агентлик, уюшма раҳбарлари ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимлигига зарур топшириқлар берилди. Куз-қиш мавсумига тайёргарликни шу йилнинг 1 ноябригача тугаллаш белгиланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлағанов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, М.Усмонов, молия вазири М.Нурмурадov, халқ таълими вазири Р.Жўраев, давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси раиси М.Аскарov, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси раиси И.Нажмидинов, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси А.Вахромов, «Ўзқоммунхизмат» агентлиги бош директори Ў.Ҳолмухамедов, Қашқадарё, Фарғона ҳамда Наманган вилоятлари ҳокимлари Н.Зайниев, А.Отабев, Т.Жабборов ва бошқаларнинг ахбороти тинланди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси С.Раҳимов иштирок этди.

ЎЗА

**XXI сағоси**  
Хаср

Бирча маълумотлардан олдинги сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг ташаббуси билан ўтказилаётган эколог-журналистлар танловининг миллий босқичи яқунлигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон ўрмон хўжалиги Бош бошқармасида Чотқол тоғларидаги биологик хилма-хиллик ҳамда йўқолиб бораётган ҳайвонот оламини асраб-авайлаш мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда ушбу соҳага тегишли идоралар, ТАСИС, GEF ҳамда ЮНЕСКО каби бир қатор юқори ташкилотлардан вакиллари иштирок этишди.

● Тошкент вилоятининг турли шаҳар ва туманларидан йиғилган йигитлар дастлабки гуруҳининг муддатли ҳарбий хизматни ўташга жўнаши муносабати билан вилоят чақирув пунктида тантанали кузатув маросими бўлиб ўтди. Кузатув чоғида бўлажак аскарларга «Қамолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг совғалари топширилди.

● Чиноз туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги давлатга пахта сотиш режасини вилоятда биринчи қатори бажарди.

Жаҳонда

● Кеча Чеченистонда янги президент Аҳмад Қодировнинг инаугурация маросими бўлиб ўтди.

● Кеча Таиландда Осиё-Тинч Океани минтақаси мамлакатларининг XI саммити ўз ишнини бошлади. Нуфузли анжуманда иштирок этиш учун 21 та мамлакат етакчилари Бангкокга ташриф буюрди.

● АҚШ Президенти Жорж Буш Фаластинда АҚШ дипломатларига қарши уюштирилган кўпорувчилик ҳаракатидан сўнг эълон қилинган ўз баёнотида Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арофатни танқид қилди. Жорж Буш Фаластинда террорчилик гуруҳларига нисбатан ҳеч қандай кураш олиб борилмаётганини ва бу аҳволда ушбу мамлакатда ҳеч қачон тинчлик ўрнатилмаслигини таъкидлаб ўтди.

● Чикагодаги осмонўпар биноларнинг бирдан қикдан ёнғин натижасида 3 киши ҳаётдан кўз юмди, 10 га яқин киши куйиш жараҳатини олди.

● Қозғистондаги Бойқўнғир космодромдан «Союз» космик кемаси муваффақиятли тарзда фазога парвоз қилди.

**Иқтисодийёт**

**«САИБО»НИНГ ХУШБЎЙ АТИРЛАРИ**

Сир эмаски, упа-эликлар, парфюмерия буюмлари неча асрлардан бери аёллар кўркига кўрк, чиройига чирой бахш этувчи пардоз воситаси ҳисобланади. Маълумки, бундай пардоз воситаларининг асл ватани Франциядир. Аммо ҳозирда Россия, Хитой ва бошқа давлатларда парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг кўплаб турлари ишлаб чиқарилмоқда. Айти пайтда шахримиздаги «Саибо» масъулияти чекланган жамияти ҳам худди ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

1999 йилда ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхонага турли хил парфюмерия композициялари, эфир мойларининг 50-90 фоизи Россия ва Франция давлатларидан келтирилади. Ташқи кўриниши бежирим, кўзни қувнатувчи шиша идишлари эса шахримиздаги «Фарм Гласс» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилади.

Атир, хушбўй сувлар, одеклон, лосьон каби парфюмерия маҳсулотларининг сифати Россияда ишлаб чиқарилаётган хушбўй воситалардан анча юқори ҳамда Хитойда ишлаб чиқарилганлардан нархи бир мунча арзондир.

— Албатта ҳозирда сифатли ва жаҳон андозаларига мос маҳсулот бугунги кун бозор иқтисодийётининг талабидир. — Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш, — дейди «Саибо» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фарход Абдуллаев. — Шунингдек, парфюмерия маҳсулотларининг янги турлари устида ҳам иш олиб бормоқдамиз.

**ТИББИЁТ УЧУН МОМИҚ ПАХТАЛАР**

Айти пайтда тиббиёт соҳасида энг кўп ишлатиладиган гигиеник тоза ва момик пахталарга эҳтиёж ортиб бориши табиий ҳолдир. Эҳтиёж ва талаб бор жойда албатта ишлаб чиқариш ривожланиб, талабга яраша маҳсулот тайёрланади. Бектемир туманидаги «Асклепий свифт» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонасида ҳар жихатдан тоза, қопламаларга ўралган, жаҳон андозаларига мос пахталар ишлаб чиқарилмоқда.

Украинадан келтирилган янги техника ва технологиялар билан жиҳозланган ушбу қўшма корхонада бугунги кунда 25-50, 100-250 граммли тоза қопламаларга ўралган гигиеник пахталар тайёрланмоқда. Корхонанинг ҳозирда ишлаб чиқараётган маҳсулотларини республикамизнинг барча дорихоналари шартнома асосида сотиб олади.

Шунингдек, гигиеник тоза ва момик пахталарни Россия, Украина, Тожикистон ва Қозғистон давлатларига ҳам экспорт қилиш янги йўлга қўйилган.

— Корхонамиз Англиянинг «Свифт паш» корпорацияси билан ҳамкорликда иш олиб боради, — дейди «Асклепий свифт» корхонаси директори ўринбосари Фазаилдин Содиков. — Маълумки ҳозирда пахталарни прессланган ҳолда қайта ишлаймиз. Келгусида момик пахталарни прессламасдан, балки целлофан пакетларда ишлаб чиқариш ниятимиз бор.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**Банқлик**

**МАҲАЛЛАДА ЯРМАРКА**

Автобусда кетаётиб уч-тўрт нафар ёшлар суҳбатининг гувоҳи бўлдик.

— Қизлар, меҳнат ярмаркаси ўтказилиши ҳақида Хилолага ҳам айтдингларми?

— У бухгалтерликка ўқимокчи...

— Жуда яхши, меҳнат бўлими орқали ўқишга ҳам йўлланма берилади.

Навбатдаги Бўш иш ўринлари ва вақант лавозимлари меҳнат ярмаркасини шахримизда самарали фаолият юритаётган Яққасарой туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши билан ҳамкорликда ўтказди.

Тадбир «Дамариқ» маҳалласи ҳудудида ташкил этилиб, унга асосан шу туманда истиқомат қилувчи банд бўлмаган аҳоли ҳамда шу ердаги олий ўқув юрталари, коллеж, академик лицей ва ўрта мактаблар битирувчилари таклиф этилди.

Шуни айтиш кераки, Яққасарой туманидаги мавжуд 17 та маҳаллаларда меҳнат бўлимининг ўзини-ўзи бошқариш органларига бириктирилган малакали меҳнат нозирлари банд бўлмаган аҳолини аниқлаш, уларни рўйхатга олиш, хоҳиш-истакларига, ихтисосликларига кўра иш ва ўқишга йўлланма беришга доимо ҳаракат қилишади. Бундан ташқари улар ёшларга керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар берадилар.

Жумладан, бу галги меҳнат ярмарка-

си асосан ёшлар учун ташкил этилган бўлиб, туманда истиқомат қилувчи битирувчиларни бўш иш ўринлари ҳамда ўқув марказига қайта ўқитиш учун йўлланмалар билан таъминлаш каби аниқ мақсадларни кўзлаб уюштирилди. Унда тумандаги «Тошўқимачи», «Санкуртаъмирлаш» очик акционерлик жамиятлари, бир нечта қурилиш ташкилотлари, «Пари-зод» масъулияти чекланган жамияти, «Зобит», «Алпари Инвест» қўшма корхоналари, «Қушбеги коммуналчи», «Уста Зафар» ҳамда «Бобур коммуналчи» каби ўз-ўзини бошқариш ширкатлари, кўплаб корхона, ташкилот ва муассасалардан вакиллар қатнашдилар. Шу кунги ҳаммаси бўлиб 25 та корхона ва ташкилотлар томонидан 526 та бўш иш ўринлари тавсия этилди. Жами ярмаркада 150 нафар фуқаро, (шулардан 119 нафари битирувчилар) иштирок этди. 35 нафар фуқаро ўзи хоҳлаган касбларига биноан ишга жойлаш, 13 нафар фуқаро эса касбга ўқиш учун ўқув марказига йўлланмалар олишди.

Бундан ташқари меҳнат ярмаркасида 102 нафар иш билан банд бўлмаган аҳоли ўзларини қизиқтирган масалалар хусусида малакали маслаҳатлар олдилар.

— Маҳалла нозиридан жуда миннатдорим, — дейди «Дамариқ» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Даврон Са-



лимов, — неварам Рустамжон ўрта мактабни битиргач олий ўқув юртига имтиҳон топшириб, ўқишга киролмади. Бугунги меҳнат ярмаркасига таклиф этилган-ди, ўзига маъқул ишга йўлланма олди.

Ҳозирги тезкор, шиддатли давримизда янги, замонавий касб-хунарлар талабгина. Ўз қизиқишига қараб танланган бирор иш ёки ўқиш ёшларга ҳаёт деб аталмиш уммонда ўз тўғри йўлларини топиб олишларида, албатта асқотади. Бунда пойтахтимиздаги туман меҳнат бўлиmlари ходимларининг сай-ҳаракатлари беқўёс. Уларнинг беминнат хизматларидан ҳар бир ҳамшахримиз фойдаланиши мумкин.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА:** Яққасарой туман меҳнат бўлими ходимлари томонидан уюштирилган меҳнат ярмаркасида лавҳалар. Тохир Нигматуллин олган суратлар.



**• МЕТРО**

**ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ МАРКАЗИГА АЙЛАНДИ**

Тошкент метрополитенида амалга оширилаётган техника ижодкорлигини ривожлантиришда конструкторлик бюросининг тугган ўрни катта бўлмоқда. Бу бюро ташкил топганига ҳали кўп бўлганича йўқ.

Бугунги кунда метронинг таянч техник марказига айланган бу ижодий гуруҳга тажрибали конструктор Владимир Цой бошчилик қилмоқда.

— «Ўзбекистон» темир йўл локомотиви саройи бош конструктори бўлиб ишлаб, бой тажриба ортирган бу йирик мутахассис раҳбарлигидаги бюро кўпгина техник янгиликларни амалга ошириб келмоқда, — дейди метрополитен бош муҳандиси Рустам Тоҳиров. — Ходимларининг техник ижодкорлиги туфайли қатор механизмлар лойиҳалари юзага келди. Турли деталлар ва усулларни яратишга оид лойиҳалар ҳам амалиётга татбиқ этилиб, катта иқтисодий фойда кўрилмоқда.

Ҳаракат таркибини таъмирлашга қаратилган стенд устида ҳам

жиддий изланилди. Мутахассисларнинг ижодий баҳосини олган бу стенд метрога йилига уч миллион сўмлик иқтисодий самара беради.

Метрополитен остидан ўтган тоннеллар деворларида юзага келадиган ёриқларни таъмирлашда ҳам қулай усул қўлланилмоқда. Бу изланишни амалга оширишда ҳам бюро ихтирочилари фаоллик кўрсатдилар.

Янги хил автоматик ускуна ва жиҳозларни яратишга қаратилган техник ижодкорлик ишлари эндиликда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Конструкторлик бюроси яқин орада ўзининг тажриба-намуна майдонига эга бўлади. Шу муносабат билан «Матекат» «Адвокат» дастурига замонавий компьютер қурилмасини сотиб олиш кўзда тутилди. Кўриниб турибдики, конструкторлик бюроси Тошкент метрополитенининг ўзига хос техника ижодкорлиги марказига айланиб, самарали изланишлар олиб бормоқда.

**Сирожиддин ҚОБУЛОВ**

**Саноат**

**МАККАЖЎХОРИДАН КРАХМАЛ ТАЙЁРЛАНМОҚДА**

Бектемир туманида индустрия саноати ҳудудий зонаси бунёд этилмоқда. Ҳозирнинг ўзида унда бир нечта йирик қўшма корхоналар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

«Агрокерамика», «Ўзкейсмаш» каби қўшма корхоналар шулар жумласидандир. Яқинда яна бир қўшма корхонани фойдаланишга топшириш маросими бўлди. У «Фулонг индустриал» деб номланди.

Ушбу ўзбек-хитой қўшма корхонасининг бунёд этишида Ўзбекистон томонидан «Юнусобод сармоия-инвест», «Ўзхитойсавдотранс» ва бошқа корхоналар қатнашдилар.


Хитойдаги «Тянь-Дзинск» компаниясининг «Фулонг» иқтисодий ёнлаштириш ва ривожлантириш фирмаси ҳам ўзининг катта улушини қўшди.

— Янги қўшма корхона маккажўхори крахмали ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилди, — дейди цех бошлиғи Ёлқин Умрзоқов. — Бу хил маҳсулотдан энгил, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика саноатида кенг фойдаланилади.

Хитойдан келтирилган қудратли технологиялар ўрнатилган бу корхона йилига 12 минг тонна крахмал ишлаб чиқаради. Бу бир. Иккинчидан, бир тонна оқсил, 800 тонна маккажўхори ёғи тайёрланади.

«Джимбахай» компаниясининг турдоши сифатида яна бир корхона ишга тушди. Хитойдаги бу йирик компания қандалот маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда. Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган турдош корхона эса маккажўхори крахмалидан кимёвий суюқлик қалқаришга ихтисослаштирилди. Бу хил маҳсулот салқин ичимликлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

**Ақбар АЛИЕВ**



**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан**

● БМТ Бош Ассамблеяси матбуот котиби Мишел Монта берган манбага асосланиб Reuters ахборот агентлиги мухбирининг маълум қилишича, Жазоир, Бенин, Бразилия, Филиппин ва Руминия давлатлари 2004 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибидан ўрин олади. Уларни Хавфсизлик Кенгаши аъзолигига сайлаш 31 октябрь кuni бўлиб ўтади.

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий 5 аъзосини ҳисобга олмаганда БМТга аъзо барча давлатлар Хавфсизлик Кенгаши аъзолигига 2 йил муддатга сайланадилар.

Бу йил 31 декабрда Болгария, Камерун, Гвинея, Мексика ва Сурия давлатларининг аъзолик муддатлари тугайди.

● Ўтган ҳафтада АКШнинг Виржиния штати судида бир қатор қотиллик жиноятларини содир этганликда айбланаётган «Вашингтон мергани» устидан суд жараёни бошланди.

● Жон Муҳаммад ва унинг шериги ўтган йилнинг октябр ойида ўн кишини ўлдирганликда айбланмоқда. Қотил «мерганнинг қабҳ ҳапти-харақатлари натижасида яна уч киши жароҳатланган.

● Австрия пойтахти Венанинг Фаворитен районида мамлакатнинг йирик банкларидан бўлмиш Аустрианинг филиали бошқичилар томонидан ўмариб кетилди.

Сақизта бошқинчи банк филиалига бостириб кириб, видеоназорат ва сигнализацияни ишдан чиқарган ҳолда кассирлардан барча нақд пуллар ва қимматли қоғозларни олиб, кўчада кутиб турган иккита «Мерседес» машинасига ўтириб, жуфтакни ростлашган.

Тамхинларга кўра ўғирланган пулларнинг суммаси бир неча миллион еврога ташкил этади.

● Испания полицияси Сенегал давлати байроғи остида сузаётган «South Sea» кемаси бортига яширилган сақиз тоннага яқин кокаин гиёвандлик моддасини топиб, мусодара этди. Ушбу операция давомида 31 киши ҳибсга олинди.

● Япония полиция маҳкамаси «Жипангу» ширкатининг бошқарув раисини қamoққа олди. Полиция ахборот хизмати тарқатган маълумотларга қараганда, автоуловлар билан савдо қиладиган корхона Шимолий Кореяга сохта ҳужжатлар орқали баллистик ракета ларни ишлаб чиқаришда иштирокчилар асбоб-ускуналар сотган. Шу билан бир қаторда Шимолий Кореяга Хитой орқали оғир юкларни тортадиган таягач-машиналар ҳам жўнатилган.

Яқинда шаҳар қасаба уюшмалари Кенгаши томонидан йиллик иш режасига биноан «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятининг маданият саройида тармоқ қасаба уюшмалари ҳамда корхона, ташкилот ва олий ўқув юртлири маданият муассасалари раҳбар ходимларининг навбатдаги семинар-машуғули ўтказилди.


Тадбир иштирокчиларига корхона оммавий кутубхонаси мудири С.Ҳамидова олиб борилаётган хайрли ишлар, тафаккур қасри—кутубхона фаолиятини жонлантиришда корхона раҳбарияти ҳамда қасрида бўлиб ўтган семинар-машуғулининг натижасини таъкидлади. Маълумки, корхонада тўрт йилдан буён рус шоираси Анна Ахматованинг ҳаёти ва ижодида ҳикоя қилувчи музей материаллари мўъжазгина ва файзли хонада кўз қорачигидек сақланиб, у ҳақида шoirа мухлислари билан гавжумдир. Ушбу маданият ўчоғининг жамоатчи директори А.Маркевич семинар иштирокчиларига мазкур даргоҳнинг ташкил топиш тарихи, А.Ахматованинг ҳаёти ва ижоди, атоқли ўзбек шоирлари Зулфия, Ҳамид Олимжон билан ижодий ҳамкорлиги, дўстона алоқаси, шарқни, айниқса Тошкентни, унинг меҳмондўст, дилкаш инсонларини беҳад севганлиги ҳақида сўзлаб берди.

**КАСАБА УЮШМАЛАРИДА**

**МАЪРИФАТ ИСТАР КЎНГИЛ**

Меҳнат ахлининг маданий-маърифий савиясини ошириш, маънавий олами бойитиш, билимини кенгайтириш, миллий ва умуминсоний кадриятларни эъозлаш руҳини улар қалбига чуқур сингдириш қасаба уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Бу хайрли ва фойдали ишни амалга оширишда шак-шубҳасиз ўзаро таъриба алмашиш, фикрлашиш муҳим аҳамиятга эгадир.



Сўнгра корхона «Маънавият ва маърифат» марказининг бўлим мудири Наима Дадамурхамедова меҳнаткашларнинг ижтимоий фаолигини оши-



риш, маънавий дунёкарашини кенгайтириш борасида корхона жамоатчилиги кенгашининг Маданият саройи, кутубхона билан биргаликда

олиб бораётган ишлари хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Маълумки, ўзаро ҳамкорлик, таъриба алмашиш ечимини кутаётган масалаларни ижобий ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси методик бўлимининг мудири Т.Егорова кутубхоначилик ишидаги ҳозирги кундаги долзарб масалалар, хусусан, ахборот асрида кутубхона иши сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, кутубхоналарни компьютерлаштириш, маълумотлар олишни тезлаштириш давр талабига айланаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, кутубхона ишида кутубхоначиларни қизиқтирган масалалар ҳақида тавсиялари, маслаҳатларини баён этди.

«Тошкент трактор заводи» ДАЖ маданият саройининг «Харакат», «Гулдаста» рақс ансамбллариининг ёш, умидли санъаткорлари семинар иштирокчиларига ўзбек ҳамда жаҳон халқлари рақсларини завқ-шавқ билан ижро этдилар. Эркин мулоқот тарзида ўтказилган семинар машғулотлари барчада яхши таассурот қолдирди.

**Улуғбек ПЎЛТАОВ СУРАТЛАРДА: «Тошкент трактор заводи» ДАЖ қошидаги кутубхона фаолиятдан лавҳалар.**

**МИЛЛИЙ САЊЪАТИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ**

«O'ZBEKISTON MARKASI» акционерлик жамияти томонидан «Ўзбек дўппичилик хунармандчилик санъати» мавзусида тайёрланган почта маркалари тўплами Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Тўпلام еттига почта маркаларидан иборат бўлиб, унда XIX — XX асрга оид Ўзбекистон ва Урта Осиё халқлари дўппичилик санъатидан намуналар келтирилган. Маркалар турли рангда бўлиб номлари ўзбек тилида, латин алифбосида ёзилган. Бу тўпلامни сураткаш К.Минаяченко тасвирга туширган. Шуни қайд этиш ўринлики, ўзбек дўппичилик санъати 120 йиллик тарихга эга. Ўзбекларнинг дўпписи нафақат бош кийим, балки миллий ғуруридир. Дўппи Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Афғонистон, Эрон, Туркия, Бошқирдистон ва бошқа мамлакатлар шулар жумласидандир.

Дўппичилик асосан олтига мактабга бўлинадди: Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё-Сурхондарё ва Хоразм-Қорақалғонистон мактаблари. Ўзбекистонда кенг тарқалган эркаклар дўппилари, бу—чуст дўппилари-

дир. Чуст дўппилари ўзига хос кўринишга эга. Унинг ўзига хослиги нозик дид ва маҳорат билан тикилган қаламбир гулларидандир. Дўппининг четки қисмлари ўн олтига пештоқлар билан безатилган. Марғилон дўппиларининг чуст дўппиларидан фарқи қаламбир гулларининг узунлиги ва нозиклигидадир.

Ўзбек дўппиларининг донги бутун дунёда кенг тарқалган. Ҳозирги вақтга келиб Ўзбекистон давлат тарихи музейида 300 дан ортиқ дўппи турлари сақланмоқда. Ўзбек дўппичилари томонидан санъат даражасида яратилган дўппилар кўплай музейларнинг экспозицияларини безаб туради. Уйлаймики, «Ўзбек дўппичилик хунармандчилик санъати» мавзусидаги янги почта маркалари тўплами филателистларни ва ўзбек дўппичилиги ихлосмандларини қизиқтиради.

**Дилором ИКРОМОВА**

Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида «Евросиё» жамғармаси кўмагида Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан амалга оширилган иқтисодий таълим ва тараққиёт соҳасига оид лойиҳа — «Ўзбекча-инглизча-русча» иқтисодий атамалар лугатининг тақдими ўтказилди.

**ИҚТИСОДИЙ ЛУҒАТ ТАҚДИМОТИ**

— Лойиҳа халқаро ривожланиш бўйича АКШ агентлиги (USAID) томонидан молиялаштирилган, — деди лойиҳа менежери Матлуба Муҳамедова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Ушбу лойиҳа қиймати 20 минг АКШ долларидан зиёдини ташкил қиладди. Иқтисодий тадқиқотлар маркази мутахассислари томонидан лойиҳага иқтисодиёт ва филология соҳалари бўйича нуфузли экспертлар жалб қилиниб «Ўзбекча-инглизча-русча» иқтисодий атамалар лугати чоп этилди. Луғат амалда кўп қўлланиладиган беш мингга яқин иқтисодий атама ва сўз бирикмаларини ўзида мужасамлаштирган. Иқтисодий лугатнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, ўзбек тилидаги сўз ва бирикмаларни ёзишда кирилл ва латин алиф-

босидан фойдаланилган. Бу эса ундан фойдаланувчиларга катта қулайлик яратди. Лойиҳанинг мақсади, замонавий иқтисодий атамаларнинг асосий лексикасини илжои борича тўлиқроқ ифода этишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, луғат иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган кўп сонли мутахассисларга, шу жумладан ташқи иқтисодий алоқалар, ташқи савдо соҳасида фаолият юритаётганлар, иқтисодиёт олий ўқув юртлирининг талаба ва ўқитувчилари, тадбиркорлар, шунингдек ўзбек тилида ҳўжжат тайёрловчиларга мўлжалланган.

Мазкур лойиҳа иқтисодий таълимни қўллаб-қувватлаб, ўқитувчи-ҳодимларнинг малакасини ошишига хизмат қиладди.

— Ўзбекистон билан АКШ ўртасида сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий масалаларда ва айниқса соғлиқни сақлаш соҳасида кўпгина лойиҳалар амалга оширилмоқда, — деди АКШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Линда Рихт. — «Gonson & Gonson» компанияси, «Hospitel» фирмасининг лабораториялар учун мўлжалланган тиббий анжомлари ўзининг аниқ таҳлиллари билан бутун дунёда шухрат қозонган. Шундай асбоб-ускуналардан мамлакатингиздаги шифохоналарда фойдаланишлари эса янада қувончлидир.

Академик В. Воҳидов номидаги марказнинг бош шифокори Миржалол Зуфаровнинг таъкидлашича, клиника-ташхис марказини бундан кейин ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, тўлиқ компьютерлаштириш ва автоматлаштириш кўзда тутилган.

**«Туркистон-пресс»**

**ЯНГИ ТАШХИС МАРКАЗИ**

Академик В. Воҳидов номидаги ихтисослашган жарроҳлик марказида клиника-ташхис маркази очилди. Тадбирда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда АКШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси масъул ходимлари, соҳа вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимини ислоҳ қилишнинг иккинчи босқичи доирасида академик В.Воҳидов номидаги ихтисослашган жарроҳлик маркази замонавий тиббий ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган клиника-ташхис марказига эга бўлди. «First Pharmaceutical Ltd.» компанияси янги очилган клиника-ташхис марказига «Vitros-250» биокимё таҳлилий тизими, «Vitros DT-60 11» компакт модули, электрофоретик таҳлил ўтказиш учун «Scanco» аппарати ва бошқа тиббий асбоб-ускуналарни етказиб берди. Эндилликда бу

ерда қон таркибини аниқлайдиган кенг қўламдаги биокимё, электрофоретик ва иммунофермент таҳлиллари ўтказиш имкониятлари янада кенгайди. Маълумки, бирор касалликни, айниқса яширин касалликларни аниқлаб ташхис қўйишда биокимёвий таҳлилларнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бемор касаллиги қанчалик аниқ ва тўғри аниқланса, у шунча тез соғайиши шубҳасиз. Шуниси қувонарлики, ўтказилган таҳлиллар аниқлиги 99,99 фоизни ташкил этади. Мазкур марказ беморларга кечаяқ кундуз хизмат кўрсатиш соҳасига эга.



Маълумки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-қарорига асосан «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолият қўраётган келмоқда. Тажрибали посбонларнинг фаолиятларини оммалаштириш мақсадида «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан йилнинг энг яхши «Маҳалла посбони» кўрик-танлови эълон қилинди.

ПОСБОНЛАР ФАОЛИЯТИДАН

МАҲАЛЛА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

«Маҳалла посбони» тузилмаларини ташкил этишдан асосий мақсад эса фуқароларнинг фаоллигини ошириш йўли билан ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнини жадаллаштириш, осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда давлат идоралари билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлаш, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини оширишдан иборат эди.

Посбонларнинг асосий вазифаларидан бири — ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда содир этилиши мумкин бўлган турли хилдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда, содир этилган жиноятларни очишда, шунингдек, аҳоли билан профилактика ва оғоҳлантирувчи мазмундаги тадбирларни ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг яқин кўмакчиларига айланишдир.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг иш фаолияти билан танишиш, тажрибали сардор ва посбонларнинг иш фаолиятини оммалаштириш, яхши натижаларга эришган сардор ва посбонларни рағбатлантириш мақсадида кўрик-танлов эълон қилинди, — дейди «Посбон» маркази раиси Муҳиддин Турсунбоев — Кўрик-танлов икки босқичдан иборат бўлиб, олдин маҳаллалараро, кейин туманлараро ўтказилди.

Шайхонтоҳур туманидаги «Гулобод» маҳалласида 4 йилдан бери «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори бўлиб ишлаб келаётган Васила Султонова 21 нафар посбонлари билан туманда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлиб, шаҳар босқичига тавсия қилинди.

Шуни айтиш керакки, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори аёл эканлиги бизни ҳайратга солди. Биз танлов ғолибасини суҳбатга тортдик.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг сардори лавозимига маҳалламиз фаоллари бир овоздан менинг номзодимни тасдиқлашди. Улар менга ишонингиз ҳам, ўзим бу ишни олиб кетишимга иккиланардим, лекин ўсиб келаётган фарзандларим ва маҳалламиз ёшларини

кўзда тутган ҳолда бу ишга киришдим ва туман ва шаҳар босқичларидаги кўрик-танлов натижалари мен ва посбонларим меҳнатининг самарасини яққол кўрсатиб берди.

Бешинчи озгина қийналдим. Ҳозир эса ўзимни «Маҳалла посбони» тузилмаси фаолиятисиз тасаввур қила олмайман. Менга ўз маслаҳатлари билан туман «Посбон» марказининг раиси Жуманазар Жонибеков катта ёрдам бердилар. Улар ҳар ҳафтада бир мартадан маҳалла посбонларини йиғиб, ўқув машғулотларини ўтказиб, муаммоларимиз, қилинган ишлар тўғрисида суҳбат олиб борадилар. Маҳалла оқсоқоли Хуршид ака Умаров, педагог-тарбиячи Ҳилола Тоҳирова, профилактика нозирлари ва бошқалар билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳалламиз осойишталигини сақлаш учун бел боғлаганмиз. Маҳалламизга бегона инсонлар келса уларнинг ташрифи билан кизиқамиз ва бу тўғрида профилактика нозирларига хабар берамиз. Мақабларга бориб тарбияси оғир, ўқишга қатнамаётган болалар билан мунтазам равишда суҳбатлар олиб борамиз.

«Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими Кенгаши «Посбон» маркази раиси Муҳиддин Турсунбоев ва туман «Посбон» маркази раиси Жуманазар Жонибеков Васила опа Султонованинг иш фаолияти билан яқиндан танишиш учун 41-мактаб ҳудудида жойлашган «Гулобод» маҳалласига бордилар. Васила опанинг ютуқ ва камчиликлари урганиб чиқилди.

Йилнинг энг яхши «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси кўрик-танловининг шаҳар босқичида Васила Султонова фахрли иккинчи ўринни олишга эришди ва «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шоҳида МУҲСИМОВА СУРАТДА: «Маҳалла посбони» кўрик-танлови ғолиби Васила Султонова (ўндан учинчи) профилактика нозирлари ва посбонлар билан навбатдаги иш режасини маслаҳатлашмоқда.

«Бунёдкор» ТЕЛЕКЛУБИДА

ЛОЙИҲА ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Куни кеча «Бунёдкор» ёшлар телеклубида «Ўзбекистон ёшларининг Афғонистон ёшларига тухфаси» лойиҳаси якуни бўйича тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ушбу тадбир лойиҳани амалга оширишда катта ёрдам кўрсатган ташкилотлар, институт ва мактабларни муносиб тақдирлаш мақсадида ташкил этилди. Лойиҳада фаол иштирок этганлиги учун Ўзбекистон

Телерадиокомпанияси, «Ўзавтотўл» концерни, олий ва ўрта махсус ўқув юртли раҳбарлари, давлат ташкилотлари ва ёшларнинг Афғонистон ёшларига тухфаси» лойиҳасининг гоя муаллифи, телеклубнинг

«Халқаро таҳлил» гуруҳи аъзоси Рустам Мелижонов, «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг фаол аъзолари «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг Фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Тадбирдан сўнг меҳмонларга байрам дастурхони ёзилиб, дилрабо куй-қўшиқлардан иборат катта концерт намойиш этилди.

Нодира НИЗАМОВА, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ходими.

МУСОБАҚАЛАР

СПОРТ — САЛОМАТЛИК МАНБАИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза тумани бўлими Кенгаши томонидан тумандаги 30-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари — 198 нафар болалар иштирокида «Спорт — саломатлик манбаи» деб номланган мусобақа ўтказилди. Спорт мусобақалари асосан 11 хил йўналишда бўлди.

Болажонлар арқон тортиш, энг яхши ўйинга тушиш, турникда тортилиш, ҳалқа айлантириш, шашка, шахмат, куч синашиш, нишонга отиш, саватга копток ташлаш, теннис, қувноқ эстафета йўналишлари бўйича куч синашиллар.

Арқон тортишга «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раҳбари Г.Абдуваҳобова, қувноқ эстафетага «Сивец» маҳалласи тарбиячиси М.Ирисалиева, шашка-шахматга Мухимий маҳалласи тарбиячиси, ҳалқа айлантиришга «Маърифат» маҳалласи

тарбиячиси Н.Абдурозиқова, куч синашиш ва нишонга отишга посбонлар маркази раиси К.Х. новлар иштирок қилишди. Мусобақаларнинг ҳолис баҳоланиши «Камолот» ЁИХ Ҳамза тумани бўлими Кенгаши раиси М.Миррахмедов ва бўлим бошлиғи Р.Толиповлар томонидан кузатилиб борилди. 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалардан ҳар бир спорт турига 20 нафар ажратилди.

Уйин якунида ғолиб чиққан гуруҳ болалари Фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар. Мусобақадан кейин уюштирилган байрам тадбири ва музқаймоқлар болажонлар кўнглини тоғдек кўтазиб юборди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТЛАРДА: 30-меҳрибонлик уйида бўлиб ўтган спорт мусобақаларидан лавҳалар.



ТЕНГДОШЛАРИГА НАМУНА БЎЛИШАДИ

Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида тумандаги 36 та мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорларига кўрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни очар экан, «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши раиси М.Якубов ўқишда, жамоат ишларида фаол бўлган болажонларни бугунги унутилмас кун билан табриқлаб, ўқиш ва ишларида омадлар тилади, сўнг мактаб ёшлар ташкилотлари сардорлари даврага чақирилди ва уларга «Камолот» ва «Камалак» кўрак нишонларини туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари тақиб қўйишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар сардорларнинг зиммаларига катта масъулият юклаганлиги ва ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришлари лозимлиги мактабларида, маҳаллаларида ёшларни ўз ортларидан эргаштира оладиган сардор бўлишлари кераклиги ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Ешлукдан фақат аъло баҳоларга ўқишни, барчага намуна бўлиб ота-онам ва устозларим меҳнатини оқлашни ният қилганман, — дейди туман «Камолот» сардори, 219-мактаб ўқувчиси Дилфуза Арифхўжаева. — Ишонганим бугунги шарафга лозим топилган дўстларим билан албатта бизга билдирилган юксак ишонччи оқлаймиз. Ўқишда, ишда, қўлаверса ҳар бир кадамда тенгдошларимизга ўрнатилган бўлишимиз деб сизларни ишонтираман.

Тадбир сўнггида тумандаги 1-, 165-, 219-мактаб «Камолот» ва «Камалак» аъзолари ўзлари тайёрлаб келган шеър, қўшиқ ва рақслари билан даврага фойз киритишди.

(Ўз муҳбиримиз) СУРАТДА: кўрак нишонини топшириш маросимидан лавҳа.



ТАДБИРЛАР

АСКАРЛАР ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШИШДА

«Ҳарбий қисмга 10 кунлик сафар уюштирилаётганини эшитиб, аввало иккиланиб, боришга рози бўлмадим. Ота-онам ҳам қарши бўлишди, лекин «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» Гулнора Абдуваҳобова билан суҳбатлашиб, сафар мақсадини тушунганимиздан сўнг 10 нафар тенгдошим билан ҳарбий қисмда бўлиб қайтдик...»

Ушбу сўзлар яқинда «Камолот» ЁИХ Ҳамза туман бўлими Кенгаши қошидаги «Посбон» маркази раиси К.Хасанов, «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Г.Абдуваҳобова, «Камолот» болалар таъкилотли раиси К.Шокирова ва Ҳамза тумани ИИБ воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи катта нозир М.Миромировлар билан биргалликда ички ишлар бўлимида рўйхатда турувчи болалар учун уюштирилган тадбирдан олган сафар таассуротларини дўстлари билан ўртоқлашгаётган Темур Бердиевга таллуқлидир.

Ешларнинг том маънодаги суянчига айланишни ўзига

мақсад қилган «Камолот» ЁИХ олиб бораётган хайрли ишлардан бири воёга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг, турли жиноятлар содир этилишининг олдини олишга қаратилгандир. «Камолот» ЁИХнинг Ҳамза тумани бўлимида ҳам бу борада қатор ибратли тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

«Мен аскарман» деб номланган тадбир иштирокчиси бўлган Темур Бердиевнинг сўзларига яна қулоқ тутамиз. — Биз ўн кун мобайнида ҳарбий қисмда бўлиб худди аскарлардек ҳарбий ҳаётнинг қонун-қоидалари бўйича эр-талабни уйқудан туриш, бад-танарбия, турникда тортилиш, ўқув машғулотлари,

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Нафисахон эшиқдан ийманибгина кириб келаётган икки аёлни кўрди-ю қизи бўй етиб совчиларни ўзгача ҳаяжон билан кутиб олаётган барча оналар каби уларнинг истик-болига шошибгина чиқиб келди...

«ШАРТНОМА ПУЛИНИ ЎЗИНГИЗ ТЎЛАЙСИЗМИ?..»

Ҳар бир ота-она яхши ният билан фарзанд ўстиради. Уларни оқ ювиб, оқ тараб, киприқлари соясида авайлаб, илоҳим бахтини кўрай деб ният қилади. Ўғил ўсаётган хонадон одобли, тарбияли, хушхўл келин олсак деса, қиз томон эса обрў-эътиборли, ўқимишли, уйим-жойим дейдиган қуввим бўлса деб орзу қилади.

Нафисахоннинг кўз тиккани мана шу ёлғиз қизи, арзандаси. Ешлигидан ёқимтой, бўйчангина Асалхон бу йил 11-синфни тугаллаб, Тошкент Давлат юридик институтига ўқишга кирди. Албатта шартнома бўйича бўлса ҳам илинганга хурсанд бўлди. Чиройли кизларнинг совчиси кўп бўлади, деганлари рост экан. Мана мактабни битирдию Асалхоннинг уйдан совиқларнинг оёғи узилмай қолди. Бугунги совчиларни кўрганда негадир Нафисахоннинг юраги жиз этди. Уларнинг босиқ, оғир аёллар экани, уларнинг ақиллиги-ю қувв бўлишининг олий даргоҳда ўқиётгани, яъни ўқимишли эканлиги жуда рисоладагидек эди.

Совчилар обдан танишиб, «қиз пошша»нинг қаерда ўқиши билан қизиқдилар. Кейин, негадир бирдан сўраб сўрашганда бойвачча одам-нома пулини ўзингиз тўлайсизми?»

Нафисахон негадир бўшашиб кетди. Ҳеч бундай гапни кутмагани учун нима дейишга ақли лол. Асалхондан кейин яна икки ўғли бор, эрта-индин улар ҳам ўқишга кири-

ши керак. Буёғи қизик бўлди-ку?

«Ҳа, азизлар, негадир кейинги вақтларда қулгимизга бундай гаплар тез-тез чалиниб қолмоқда. «Шартнома пулини ўзингиз тўласангиз, қизингизга совчи бўламиз».

Бизнингча ҳаммамизни ҳам ўйлантирадиган савол бу. Йигит томон тўйдан олдин ўзимиз тўлаймиз деб, тўйдан кейин «Қиз болага ўқининг нима кераги бор, диплом беркорга чанг босиб ётади деб келинларини ўқишга юборсин» тугаллаб, Тошкент

Давлат юридик институтига ўқишга кирди. Албатта шартнома бўйича бўлса ҳам илинганга хурсанд бўлди. Чиройли кизларнинг совчиси кўп бўлади, деганлари рост экан. Мана мактабни битирдию Асалхоннинг уйдан совиқларнинг оёғи узилмай қолди. Бугунги совчиларни кўрганда негадир Нафисахоннинг юраги жиз этди. Уларнинг босиқ, оғир аёллар экани, уларнинг ақиллиги-ю қувв бўлишининг олий даргоҳда ўқиётгани, яъни ўқимишли эканлиги жуда рисоладагидек эди.

Совчилар обдан танишиб, «қиз пошша»нинг қаерда ўқиши билан қизиқдилар. Кейин, негадир бирдан сўраб сўрашганда бойвачча одам-нома пулини ўзингиз тўлайсизми?»

Нафисахон негадир бўшашиб кетди. Ҳеч бундай гапни кутмагани учун нима дейишга ақли лол. Асалхондан кейин яна икки ўғли бор, эрта-индин улар ҳам ўқишга кири-

мен ҳам учрашувда қўлимга тилла узук тақиб қўйса, розилик бериб юборибман. Эссизгина, репетиторга бориб, роса ҳаракат қилиб институтга кирган эдим, шартномага бўлса ҳам илингандим. Биринчи курсни битирдим узапти юборишди. Тўйдан кейин, пулини ота-онангиз тўлашга ўқишга борасиз, бўлмаса йўқ дейишди. Икки ўртада ўқишим қолиб кетди».

Ҳа, ёш-ёш қизларимиз турмуш нималигини, мустақил ҳаёт, келинлик остонасини тушунмай туриб турмушга чиқиб ҳаётда қоқилиб қолмоқдалар. Бегуноҳ, норасида гўдақлар ота ёки она меҳрига зор бўлиб ёки шошиб қурилган оилалар жабрини тортмоқдалар.

Фарзанд жонимизга пайванд, дил риштамиз. Биз ота-оналар уларнинг тақдирини чуқурроқ ўйлаб кўрсак ҳамма учун фақат фойдали бўлади. Фарзандингиз туфайли остонангизга кириб келган келин-чак сизнинг ҳам фарзандингиз бўлди, унинг камоли, униб-ўсиши энди сизнинг меҳрингизга боғлиқ. Илоҳи бўлса ўғлингиз, бўлмаса қудангиз билан маслаҳатлашиб ўртада шартнома пулини тўлаб келинлигини ўқитсангиз, оила кўрғони мустаҳкам бўлади, набираларингиз ақли расо, баркамол инсон бўлиб воғга етдилар. Бизнингча қиз томонга борган совчининг «Шартнома пулини ўзингиз тўлайсизми?» дейиши дилга оғир ботади, ўзбекчилигимизнинг ҳамма ҳавас қиладиган ҳислатларига ҳам тўғри келмайди. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай, азиз газетхон. Шартнома пулини ким тўлаши керак? Мақ-тубингизни кўтиб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР МАРКАЗИ

«Инновацион технологиялар», «Интерфаол усул» каби иборалар олий ўқув юртлирида тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Ана шу таълимий ангилликлар тиббиёт олий ўқув юртлири учун ҳам билим олиш мезонига айланиб бормоқда.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида ҳам бу истикболли йўналишни ўқув жараёнига жорий қилиш борасида дастлабки тажрибалар ортирилди. Инновацион технологиялардан умумий фойдаланиш мақсадида олий ўқув юртлида янги тақлимдаги интерфаол усуллар ишлаб чиқилди. Институтнинг ўқитиш маркази томонидан ташкил қилинаётган ўқув-услубий анжуман ҳамда кўрик-танловлар ҳам инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Олий ўқув юртининг 2-акusherлик-гинекология, юкумли касалликлар кафедралари замонавий илғор тажрибалар ва услубий марказга айланиб қолди.

Баҳодир ЗОИРОВ

Шаҳноза МАҲМУДОВА

*Хоҳишонам, хоҳ...*

**ФИЛЛАР СУДГА БОРАДИ**

Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридаги Калоба миршабхонасида гаройиб маҳбуслар бор. Улар супрадек кулоқларини силкитиб, ортиқча тўполон қилмасдан ўз тақдирларини кутишяпти. Тўғри топдингиз — улар баҳайбат филлар. Улар ўз хайдовчилари билан миршаблар томонидан ушланган, шаҳарга берухсат киргани учун хибсга олинган эдилар.

Филлар Бомбейга заргарлар султони Вижай Шахнинг амри билан келтирилган эди. Унинг фикрича, филлар киз узатиш маросимининг энг ажайиб дастури бўлиши керак эди. Тўйга йиғилган бир неча минг меҳмонни Вижай Шах шу тариқа лол қолдирмоқчи эди. Лекин Бомбей шаҳар маъмуриятининг сал олдинроқ берган фармойишига кўра, шаҳарга улкан жониворлар фақат тегишли рухсат билан киришлари керак эди. Сабаби одамларга филлар ноқулайлик туғдириши мумкин экан. Филбонлар ушбу фармонни ё билмаганлар, ёки катта миқдордаги пул эвазига қонунни бузиб кўришга бир жазм қилишган кўринади. Энди филбонларга катта миқдорда жарима солиниши ёки улар филларидан айрилишлари башорат қилинмоқда. Сабаби суд ҳукми билан филлар ҳайвонот бोगи жўнатилиши мумкин.

Вижай Шах барбирер ном қозонди. Чунки филларни Бомбейга тақлиф этганди.

**БИР-БИРИНИ КЎРМАГАН ЭР-ХОТИНЛАР**


Шунақиси ҳам бўлар эканда. 20 ёшли Фотима Али ва 23 ёшли Мирсаммад Мутху тамом бошқабошқа мамлакатларда яшашади. Авваллари сира ҳам бир-бирлари билан учрашишмаган, юз кўришишмаган. Лекин улар эр-хотин! Тантанали никоҳ маросими, яқинда... телефон орқали бўлиб ўтди.

Ёшларнинг бошини қовуштириб қўйишга уларнинг ота-оналари қарор қилишди. Фотима Ҳиндистоннинг мусулмонлар кўпроқ яшайдиган Таминадду штатида яшайди. Муҳаммад ҳам Ҳиндистонлик мусулмон, шартнома бўйича Саудия Арабистонининг Эр-Риёд шаҳрида ишлайди.

Ўғиллар вояга етгандан уларни уйлантириш ота-онасининг вазифаси. Лекин куёв бўлиш масъул вазифада, вақти кам. Шунда оила-лар бошлиқлари ёшлар иштирокисиз никоҳ маросимини ўтказишга қарор қилишди.

Никоҳ маросими бир варақайга икки уйда Фотима-ниқиди ҳам, Муҳаммаднинг иш жойида ҳам бўлиб ўтди. Иккала жойда ёру биродарлар, қавм-қариндошлар тўпланишди. Дастурхон эзилди. Домлар урф-одат бўйича барча тадбирни ўтказишди.

Айтинг, айтинг, энди висол айёми ҳам телефон орқали бўлмасин-да?!



Болалик—ҳаётнинг энг бегубор палласи. Илоҳим болажонлар юзидаги шодон кулгу уларнинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолаверсин.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақирғи Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузасидан суд-ҳуқуқ ислохотлари, жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш масалалари алоҳида ўрин олганди.**

Маърузада жиноий жазоларни либераллаштиришдан мақсад ва уни қандай тушуниш, қабул қилиш ҳамда амалиётда қўллаш учун қандай масъулият билан ёндоиш кераклиги батафсил очиб берилганди.

Бу соҳадаги вазифаларни тўғри тушуниш ва амалга ошириш Республика ҳуқуқшуносларининг асосий вазифасидир.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»-ги Қонуни ва Республика Конституциясида Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат мавжудлигининг муҳим принципи сифатида давлат ҳокимиятининг тизимий қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши мустаҳкамлаб қўйилган. Бу билан биз қуришни мақсад қилиб қўйган ва барпо этаётган ҳуқуқий давлатда суд ҳокимияти ўз ваколатлари доирасида мустақил бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан тенг мақомага эгаллиги таъкидланади.

Демак, суд ислохотида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари умумий ислохотининг ажралмас қисми сифатида қараш лозимдир. Бундай боғлиқлик юқоридаги ислохотларни амалга оширишнинг пойдевори сифатида ҳуқуқий давлат қуришининг асосини ташкил этувчи умумэтироф этилган қўйидаги тамойиллар мавжуд бўлишини тақозо этади:

- шахс ҳуқуқлари ва эркинлигининг устуворлиги, уларнинг давлат томонидан қўриқлиниши ва ҳимоя қилиниши;
  - ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуний устуворлик;
  - давлат ва шахсининг, ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа иштирокчиларининг ўзаро жавобгарлиги;
  - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари ваколатларининг чегараланиши;
  - фуқароларнинг, ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан самарали назоратнинг мавжудлиги.
- Мамлакатимиз мустақилликка эришганига ва туб ислохотлар, жумладан суд исло-

ҳоти амалга оширила бошланганига бор-йўли 12 йил бўлди. Бу тарих учун жуда қисқа муддат, лекин шунга қарамаздан ушбу соҳада сезиларли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида биринчи мартаба суд ҳокимияти тушунчаси ўз ифодасини топди. Бунга асосан суд давлатнинг оддий муассасасидан, маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг бир бўлагидан, партия-давлат сиёсатини амалга оширувчи ва жиноятчиликка қарши курашувчи идорадан давлат номидан одил судловни амалга оширув-

иллардан бири 2-чақирғи Олий Мажлисининг 6-сессиясида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-Процессуал кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги Қонуннинг қабул қилиниши бўлди.

Бунинг натижасида жиноятларни таснифлаш, тергов ва суд амалиётида эҳтиёт чораларини танлаш ва жазо тайинлаш мезонлари, жиноят деб топилиши мумкин бўлган қилмишлар ва озоқликдан маҳрум этиш жазоси тайинланадиган жиноятлар доираси ўзгарди.

Жумладан, ҳозирда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасига мувофиқ, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озоқликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган, ЖКнинг 85-моддасига асосан ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга озоқликдан маҳрум этиш жазолари қўлланмаслиги, ЖКнинг 50-моддасига асосан озоқликдан маҳрум этилаётган аёлларга ва олтиши ёшдан ошган эркекларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу кодекс махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озоқликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, шунингдек, ЖКнинг бир қанча моддаларида озоқликдан маҳрум қилиш жазолари назарда тутилган бўлса-да, аммо айбдор шахслар томонидан етказилган зарарлар қопланган тақдирда уларга нисбатан озоқликдан маҳрум этиш жазолари қўлланмаслиги назарда тутилган.

Шу билан бир қаторда жиноят ишларини суд мажлисида қўриш муддатларининг чегараланиши жиноят ишларини судда узоқ муддат ўз ечимини топмаслиги ва ишда иштирок этувчиларнинг асосиз сансалорлигига барҳам берди.

**Миргани МИРЗОҲИДОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Шайхонтоҳур туман суди судьяси.

**• ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ**  
**СУД ИСЛОҲОТИ АМАЛДА**

чи, қонунларни қўллаш ва бажариш билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал этувчи, бузилган ҳуқуқ ва адолатни тиклаш мақсадида ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига таҳдид қилувчи шахсларга нисбатан давлатнинг мажбурлов чораларини қўлловчи, жазоловчи эмас балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи ва адолатни қарор топтирувчи идораларга айланган.

Бугунги кунда суднинг давлат ва жамиятдаги ўрни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг, адолат, қонунийлик, демократия, тинчлик ва ўзаро аҳилликнинг кафолатидан иборат бўлиб бормоқда.

Ҳозирда суд ҳокимияти фақат суд томонидан амалга оширилиши, судсиз одил судлов ҳам, суд ҳокимияти ҳам бўлмаслиги тамойили ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Суд, Конституция ва қонунларга, маҳаллий ҳокимият идоралари қарорларига риоя қилиниши устидан ижтимоий назоратни амалга ошириб, ҳуқуқ тўғрисидаги низо ва айбдорлик масалалари юзасидан охириги фикрни билдириб, бу соҳада судгача бўлган процессуал ҳаракатларни назорат қилиб, мазкур тизимда марказий ўринни эгаллаб бормоқда.

Бу соҳада амалга оширилган ўта муҳим

## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб  
домо бўлади...

Хикмат:

Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон кишилардан кутинглар. Шунда сиз улардан умид қилган марҳаматга эришасизлар. Ташбағир, қаттиққўл, бераҳим одамдан зинҳор яхшилик кутманг. Олло таоло яхшиликни яратганда унинг ўз ақлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса албатта мақсадига эришади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қуйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб, ер эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра еткази. Бу дунёда яхши кишилар охиратда ҳам яхшилар қаторида тургай.

Байт:

**Яхшилар кетидан агар  
чопарсан,  
Истагинг, бахтингни  
шундан топарсан.**

Машхур донишманд Бузуржмехрдан:

● Инсоф нима? — деб сўрадилар.

Инсоф — одамнинг ўзига нимани раво кўрса, бошқа кишига ҳам шунини раво кўришидир, — деб жавоб берди у.

— Энг яхши одам ким?

— Ақлли одам.

● Қандай кишини ақлли одам деса бўлади?

— Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

Байт:

**Кимки хушхулқ доимо  
бўлғай омон,  
Яхшилик қилса сира  
етмас зиён.**

● Яхшилик яхши ном келтиради. Саховат эса кишини бахтиёр қилади.

Байт:

**Ёмон отли киши ўлик  
билан тенг,  
Яхши ўлса ҳамки,  
тирик эл аро.**

**Шундай яшагинки,  
сен ўлсанг агар,  
Бошга тупроқ сочиб,  
чексинлар жафо.**

ИЛМ ВА ХУНАР  
ҲАКИДА

Илм ўрганиш энг мўътабар ишдир. Илм одамнинг кадрини оширади, илмли кишилар дунёда энг иззатли, ҳурматли бўладилар. Илм дунёда одамлар учун энг сеvimли, энг ширин неъматдир. Шундай экан, сиз дунёда роҳатда яшашни истасангиз, ҳамма мени сеvimин десангиз, бор кучингиз билан ўқишга, илм олишга ҳаракат қилинг.

Фарзандлар! Ўқинг, дарсга ихлос қуйиб ўқинг, фойдали китоблардан фойда ва лаззат олиш учун ўқинг. Кишининг энг азиз, энг ширин ва энг қимматли вақти ёшлик давридир. Шундай қимматли ёшлигингизни, азиз умрингизни фойдасиз ишларга сарф қилманг. Бир донишманд:

— Кўркам хулқ икки нарса билан, яъни илм, адаб ўрганиш ва ёмон ишлардан сақланиш билан топилади, — деган.

## Қувватбахш омиллар

МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ  
ОШИРАДИ

**Тадбиркор халқимиз кўхна замонлардан бери табиат неъматлари асосида шифобахшлиги билан ажралиб турувчи омилларни тайёрлаб қўйишга ошиқиб келган. Жумладан шинни, қиём, гулқанд кабиларнинг фойдали тарафларини баён этиб интихосига етиш қўйин.**

Шинни ўз таркибида инсон ҳаёти фаолияти учун зарур бўлган биологик фаол моддалар мажмуасини, жумладан карбонсувларни, аъзоларда модда алмашинуви жараёнида бевосита қатнашадиган маданий тузлар, микроунсувлар ва бошқа зарурий моддаларни сақлайди. Шинни таркибидаги шифобахш моддалар танага тез ва осонлик билан сингиши, қувватбахш таъсир қилиши билан ажралиб туради.

Шиннининг салмоқли қисмини ташкил этувчи карбонсувлар асосий энергетик (қувват бахшида этувчи) манбалардан бўлиб, биз истеъмол қиладиган овқат рационининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Одатда углевод-карбонсувлар инсон ҳаёти учун зарур бўлган оқсиллар ва ёғларга нисбатан тахминан 4-5 марта кўпроқ истеъмол қилинади. Умуман, аралаш овқатда суткалик калориянинг 56 фоизи карбонсувлар ҳисобига қопланади. Улар ҳужайра ва тўқималар таркибига қиради, аъзоларга сўрилган карбонсувларнинг маълум бир қисми мушак тўқималарида сақланиб, заҳира энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

**Узум шинниси.** Этилиб пишган оқ узум покиза қилиб ювилиб, силқитилиб яхшилаб эзилади. Ҳосил бўлган узум эзилмаси дока воситасида сузилиб, шарбати ажратилади. Шундан сўнг чиркидан холи қилинган қозонга солиниб, енгил аланга жараёнида қайнатилади. Қозонда қайнатилган шинни вақти-вақти билан кавлаб турилади. Қозондаги узум шарбатини то қуюлгунча шу аснода қайнатиш давом эттирилади. Оташ тобидаги шар-

бат аввалига сарғиш, кейинчалик заъфарон, қиёмига етганида қаҳрабон рангига касб этади. «Пишган» шинни оғзи кенг шиша идишларга солиб қўйилади.

Узум шиннисидан айна киши ва баҳор фаслларида оз-оздан истеъмол этилиб туриладиган бўлса, инсон аъзоларининг бир қатор шомоллаш билан боғлиқ хасталикларга нисбатан курашчанлик қобилиятини оширади. Кишига дармон бағишлаб, меҳнатга нисбатан гайратни кўзғатади, камқонлик балосидан маълум даражада ҳоли этади.

**Тарвуз шинниси.** Тарвуз шиннисини тайёрлаш учун этилиб пишган, вақтига қараб «Човқар», «Кўзибой», «Мармар» ёхуд кечкиларидан бўлса «Хаит қора» навли тарвуз ширалари ажратиб олинган, шарбати қуюқлашиб шинни ҳосил бўлгунча кавлаб туриб ўртача оловда қайнатилади.

Мазкур йилда полиз маҳсулотларидан салмоқли микдорда ҳосил кўтарилган бўлса, улардан шифобахшлиги билан ажралиб турадиган шинниларни тайёрлаш айна мудида ҳисобланади.

Тарвуз шинниси узум шиннисига қувватбахшлиги, камқонликка эм бўлиши билан ажралиб туради. Сарик касалини бошидан кечирган кишиларга фойдалилиги, пешоб йўлида тош ва қум бўлган шахсларга нажоткор омил сифатида асқотади. Ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун фойдали манба ҳисобланади.

**Маннон НАБИЕВ,  
доришунос олим.**

## МАСЛАҲАТЛАР

Муолажа пайтида шифобахш дамламаларни кўп ҳам ичавермасдан, уни бадандан қуйиш керак экан.

Уйқуси безовта бўлаётган боланинг ота-онаси тонгги шабнамни боғларда уқлатиб, шудринг суви билан уни хўплаши лозим эди.

Иссиғи тушмаган болани ҳам узумнинг қайнатмасига чўмилтириш тавсия этилади.

Қовуғи бўш пешоб тута олмайдиган кишилар, турли гулларни йиғиб, унинг дамламасига ювинишлари керак.

Буйрағи касал ўсмирларга қовоқ уруғи дамламаси ҳамда исирик компресси тавсия этилади.

Зарарли буғланишлар билан заҳарланган одамга кечки пайт оёғини иссиқ сувга солиб ўтириш тавсия этилади.

Эпилепсия, тутқаноқ хасталиги бор болани ўрмон пичани дамламасига чўмилтириш тавсия қилинади.

Йўтал тимисиз безовта қилаётган кишига ҳафта давомида каноп уруғидан чой ичиши ва муздек сув ичмаслик керак.

Юрак хасталигини даволаш учун йилга тўрт марта кетма-кет дукана дарахти гулидан тайёрланган дамламани ичиш тавсия этилади.

Терининг аллергик шомоллашига эман дарахтининг пўстлоғи қайнатмасида чўмилиш яхши наф беради.

Астма (зиқнафас) касалига жағ-жағ гулидан қайнатилган ичимлик фойда беради.

Қаттиқ асбаийлашиш ёки стресс оқибатида пайдо бўлган сурункали бош оғриғини йўқотиш учун уйқу олдида сувда эритилган бир ош қошиқ шакар тавсия этилади.

Юрак урушидан шикоят қилган аёлга ярим килограмм лимонни кесиб, асал билан аралаштириб, ҳосил бўлган шарбатни эрталаб ва кечқурун ош қошиқда ичиш фойдали.

Қандли диабет кўпинча қаттиқ стресс, кўркүв ҳамда руҳий сиқилиш натижасида пайдо бўлади. Касалликнинг дастлабки босқичида маймунжоннинг янги япроқларидан тайёрланган дамламани ичиш лозим. Шунда касаллик авж олмайди.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНИЛАР

«МАХСУСПОЛИМЕР» ОАЖ  
КУЗАТУВ КЕНГАШИ

2003 йил 14 ноябрда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Коржавин кўчаси, 3-уй.

Мажлис соат 10.00 да ўтказилади. Акциядорлар реестри 2003 йил 1.10.03 йил ҳолатига ёпилган. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 9.00 да бошланади. Тел: 195-03-04.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2003 йил 9 оyi яқунлари бўйича бошқарув раисининг ҳисоботи ва тасдиғи.
2. Жамият кузатув кенгашини сайлаш.
3. Жамият тафтиш комиссиясини сайлаш.

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ ДАВЛАТ  
УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ  
«УЛГУРЖИСУВСАВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2003 йил 4 ноябрдан тижорат ва саноат корхоналари учун (бюджет, иссиқлик таъминловчи корхоналар ва аҳолини истисно қилганда) хизматлар учун тарифларнинг қайта кирилишини хабар қилади:

сув таъминоти бўйича — 1 м³ учун 39,66 сўм (ҚҚСсиз)  
оқова сув бўйича — 1 м³ учун 14,07 сўм (ҚҚСсиз)

(13.10.2003 й № 498 ТҒ — 2003 декларацияси)

БЕКТЕМИР ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ТОМОНИДАН  
КУЙИДАГИ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР  
НОМИГА БЕРИЛГАН:

1. Исмаилова Якутхан Шакировна ББ №011271
  2. Муҳитдинова Марғуба Шакировна ББ №007586
  3. Хужақулова Дилнавоз Жумановна ББ №007693
  4. Калибеева Раиля Аннасовна ББ №007657
  5. Махкамов Тоиржон Заитжонович ББ №002914
  6. Далимова Зулфия Режебаевна ББ №011271
  7. Холмирзаева Насиба ББ №007620
  8. Назарова Нишонгул Сахабидинована ББ №007608
  9. Волкова Вера Петровна ББ №011308
  10. Тагаева Татьяна Михайловна ББ №011368
  11. Нурматова Замира Кадировна ББ №011377
  12. Пак Ольга Инокентевна ББ №011332
  13. Исаков Ориб Мамаджонович ББ №011373
  14. Чен Светлана Инокентевна ББ №011375
  15. Кан Алла Инокентьевна ББ №011376
- рақамли чакана савдо гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли

## БЕКОР ҚИЛИНАДИ



**Oytaxt**  
**INFORM**  
132-26-44 132-26-45

Кўнгил учун мусиқа, мулоҳаза учун ахборот. Пойтахт ўз радиосини танлайди «Пойтахт-Информ».

**Спорт**

**ГАЛАБАГА  
ТЕНГ ДУРАНГ**

Ноябрь ойида ўтказилиши мўлжалланган Осиё чемпионати саралаш мусобақаларига жиддий ҳозирлик кўраётган Равшан Хайдаров етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчиларининг Абу-Дабида Бирлашган Араб Амирликлари термасига қарши уюштирилган ўртоқлик учрашувлари футбол ишқибозлари кўнглини хушнуд этди. Ушбу беллашувда майдонга кўпплаб легионерлар тушиб, кучли рақибларига муносиб қаршилик кўрсата олишди. Кўпгина вазиятларда футболчиларимиз томонидан уюштирилган ҳужумлар рақиблар дарвозаси олдида жуда хавфли вазиятларни вужудга келтирди. Биргина Шишеловнинг ўзи бир неча бор рақиблар дарвозасига юз фоизлик имкониятдан гол кирита олмагани ачинарли. Хуллас жангвор, тезкор ва комбинацияларга бой кечган ушбу беллашув 2:2 ҳисобида яқунланди. Ҳамюртларимиздан мезонлар дарвозасини Владимир Корниенко ҳамда Сервер Жепаров аниқ нишонга ола билди.

Ёшлар ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионатидаги ҳозирлик кўраётган Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси эса «Кизилкум» билан ўртоқлик учрашувини ўтказди. Шунингдек жонқиз, олий лиганинг етакчи жамоаларидан бирига Борисов шогирдлари жиддий қаршилик қила олишди.

Қизиқarli ва мурасасиз учрашувнинг 2:2 ҳисобида яқунланди эса юқоридаги фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидан «Кизилкум» дарвозасига ҳар иккала голни Марат Бикмаев йўллашга муваффақ бўлди.

Қизиқarli ва мурасасиз учрашувнинг 2:2 ҳисобида яқунланди эса юқоридаги фикримизнинг далилидир. Ўзбекистон ёшлар терма жамоасидан «Кизилкум» дарвозасига ҳар иккала голни Марат Бикмаев йўллашга муваффақ бўлди.

**ИЖОДКОРЛАР  
МАЙДОНГА ТУШДИ**

Пойтахтимизда «Спорт» газетаси соврини учун мини-футбол турнири уюштирилди. Шуниси эътиборлики, ушбу мусобақада «Ўзтеледио» компанияси қошидаги таҳририятлар жамоалари ўзаро куч синашишди. Журналистлардан таркиб топган 10 жамоа иштирокидаги баҳслар мурасасиз ва кескин кечди. Турнир сўнггида голиб ва совриндорларга мутасаддилар томонидан совринлар, эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти «Оқшом» газеталари ходими Маърифат Алимұхамедованинг акаси

**Баҳром АЛИМУҲАМЕДОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар «Бизнес-Фонд» бошқармаси жамоаси, бошқарма бошлиғи ўринбосари Нажмитдин Бурхоневич Зияевнинг қизи

**Наргиза ЗИЯЕВ**анинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тожикистон пойтахтида давом этаётган Марказий Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари янгидан-янги ғалабаларни кўлга киритмоқда.

**КУЧЛИ, ЧАҚҚОН  
ВА ЭПЧИЛ**

Саккиз нафар боксчимиз саралаш баҳсларида барча рақибларини ортда қолдириб, ярим финалга йўлланма олди. Эркин курашчиларимиз ҳам шундай юқори натижаларни қайд этмоқда. Уларнинг барчаси ўз вазн тоифаси бўйича кейинги босқичга кўтарилди.

Дзюдочиларимиз бир олтин ва уч кумуш медални кўлга киритган эди. Яна бир маҳоратли полвонимиз Ш.Мўминов 73 килограмм вазн тоифасида кумуш медалга сазовор бўлди.

Енгил атлетикачиларимиз эса тўртта олтин медални кўлга киритди. 100 метрга югуриш бўйича Гўзал Хуббиева, ядро ва босқон улоқтиришда Сергей Кот ҳамда Ольга Жоголева, 110 метрга тўсиқлар оша югуриш бўйича Андрей Корниенкога тенг келадиган спортчи топилмади.

Пневматик милтиқдан ўн метр масофадаги нишонга ўқ отиш бўйича жамоавий баҳсларда вакилларимиз иккинчи, кичик калибрли пистолетда эллик метрга ўқ отишда эса учинчи ўринни эгаллади.

ЎЗА



**ОЛИМПИА  
МАСОФАСИГА ЮГУРИШДИ**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларга репродуктив саломатлик ва аҳолишунослик борасидаги масалаларни ҳал қилишга кўмаклашишни ўз олдида мақсад қилиб қўйган ташкилот ҳисобланади. Шунингдек керакки, UNFPA жамғармасининг Ўзбекистондаги валахонаси ҳам юртимизда ёшларни ахборотлар ва турли хизматлар билан таъминлашда кенг қўламдаги ишларни амалга ошириб келмоқда.

Куни кеча БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги валахонаси Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси билан ҳамкорликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи атрофида ўсмирларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 1,6 километрлик олимпия масофасига югуриш мусобақаларини ташкил этди.

«Соғлом ёшлар — соғлом миллатдир» шиори остида ўтказилган ушбу қизиқarli мусобақада 10 ёш ва ундан қарли бўлган барча ҳоҳловчилар иштирок этишди.

400 га яқин югурувчилар орасида фахрийлар, хаваскор югурувчилар клубларининг аъзолари, мактаблар, касбунаҳар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юр்தларининг талабалари,

бир сўз билан айтганда турли ёшдаги ва касбдаги соғлом турмуш тарзи иқтисомандларини учратиш мумкин эди. Тез орада кучлилар сараланиб, голибларнинг номлари маълум бўлди. Жумладан, эркаклар ўртасида «Динамо» (Тошкент) клубининг вакили Аъзам Алиев марра чизигини биринчи бўлиб босиб ўтган ҳолда голиблар сафини бошқарди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган австралиялик Диер Майкл иккинчи бўлди, Республика олимпия заҳиралари коллежи тарбияланувчиси Юрий Суҳанов учинчи ўринни эгаллади.

Аёллар ўртасида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси Анна Сидорова голиб чиққан бўлса, шарқшунослик институти талабаси Екатерина Дирова ҳамда Тошкент Давлат техника университетида Людмила Горшневич кейинги совринли ўринларни эгаллашди.

Голиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Яна 250 нафар югурувчи БМТ Аҳолишунослик жамғармаси нишонлари туширилган майкалар топширилди.

UNFPA жамғармаси келаси йили ҳам бир олимпия милясига соғломлаштириш югуришини ташкил этишни режалаштирмоқда.

(Ўз мухбиримиз)



Миллий курашни ёшларимиз ўртасида ривожлантириш, ёш авлоднинг соғлом ва дуркун ҳолда вояга етишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг жойлардаги бўлими, Ўзбекистон Миллий кураш федерацияси, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон «Қамолот» ЁИХ, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ташаббуси билан ҳомий ташкилотлар кўмағида кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларини ўтказиш хайрли аънана тусига кирган.

**ПАҲЛАВОНЛАР  
КУЧ СИНАШИШДИ**

Куни кеча шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида вилоятларда ўтказилган мусобақаларнинг голиблари иштирокида икки кун давомида турнирнинг финал босқичи бўлиб ўтди.

Қизиқarli мусобақаларда 14-15 ёшли ўғил-қиз болалар ҳамда миллий курашимиз фахрийлари ғалаба учун кураш олиб боришди.

Беллашувларни томоша қилар эканмиз, айниқса ўсмирларнинг ғалаба учун бор куч-ғайратларини сарфлаганининг гувоҳи бўлдик. Фахрийлар эса бир оз ҳаяжонланмишди, ахир кўп сонли ишқибозлар олдида муносиб курашиб, ғалаба қозониш осон эмас-да.

Нихоят кучлилар сараланиб, «Маҳалла паҳлавонлари» мусобақасининг ғалабалари аниқланди. Шахсий ҳисобда қизлар ўртасида Шоҳиста Майлиева, Дилафрўз

Абдурахимова, Нигора Хўжақулова ва Ирода Абдурахимовалар зафар кучган бўлса, ўғил болалар ўртасида Завқиддин Мустанов, Камол Дониёров, Азамат Турғунбоев, Азим Шукуров ва Фаррух Тўраевларга тенг келадиганлар топилмади. Шунингдек, тўртта вазн тоифасида фахрийлар ўртасида ҳам мусобақа голиблари аниқланди.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё полвонлари хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасини банд этишди.

Турнир сўнггида барча голиб ва совриндорлар медаллар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Даврон НУРМАТОВ СУРАТЛАРДА:** турнир баҳслари ва голибларни тақдирлаш маросимидан лавҳалар. **Алексей Попов** олган суратлар.

**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиғи

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет  
усулида босилди.  
4204 нусхада босилди. Қўғат биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума  
кунлари чиқади.**  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат  
матбуот қўмитасида  
10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаси акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.